

## Танқидий Ривожлантирувчи Стратегиялар Ҳақида Назариялар Ва Улардан Фойдаланишнинг Моҳияти

**Ниёзова И. Н.**

*Ниёзова Ирода Ниёзовна- Бухоро давлат университети ўқитувчиси*

### **Аннотация:**

Уибу мақолада танқидий ривожсантирувчи стратегиялар асослари, унинг тарихи ва улардаги назариялар ҳақида берилган. Танқидий фикрлашининг ижодий манбалари қадим замонларга бориб тақалади. Фаоллигининг яхши хотиралашига имкон яратиши, нарсалар, жараёнлар ва ҳодисалар моҳиятига чуқўр кириб боришига ёрдам бериши кўхна замонлардаёт маълум бўлган.

**Калит сўзлар:** Танқидий фикрлаш, танқидий ривожсланиши стратегиялари, мантиқий умумлаштириши, ҳақиқат, ёлғон.

Яқин ва йўрта Шарқда яшаб ижод этган ўрта аср мурафаккирлари табиий-илмий асарларида илмнинг турли томонлари, унинг принциплари, тузилиши, мезонлари, илмнинг инсон ақлий ривожи ва таълими билан боғлиқлигига жиддий қизиқиши борлигини кузатамиз.

Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, уларнинг сафдошлари ва издошлари гносеологик қарашларининг характерли хусусияти шундан иборатки, инсон онгига предмет тимсоли (образи)ни мавхумлаштириш жараёни улар эътиборини доимо жалб этган, бунинг натижасида мазкур предмет моҳияти ва ўзига хослиги тушунчаси ишлаб чиқилган ва шаклланган. Предмет ва манбалари қанақа, жараёни қандай босқичлардан иборат, ва амалий фаолият ўртасидаги муносабатлар қандай - ўрта асрлик қарийб барча буюк Шарқ мурафаккирлари эътиборини жалб этган масалаларининг тўлиқ бўлмаган тартиби мана шулардан иборат.

Хоразмий "ҳиссиёт" "мантиқий мулоҳазалар" воситасидан аниқ фарқлаган: дастлабки хусусийни, "майда", "мантиқийси" эса моҳиятан ўрганади, аҳамиятли, бироқ улар алоқадор<sup>1</sup>. Фикрлаш назарияси куртаги фан пайдо бўлиши билан юзага келди ва узлуксиз ривожланмоқда. Хоразмий бу назариянинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшди. У тажриба - кузатиш ва экспериментал методини самовий жисмлар ҳаракати, шунингдек, ер сатҳидаги пунктларни жадвал кўринишида илк бор илмий асослади, индукция ва дедукция жиҳатидан ягона, алоҳида ва умумийнинг бирлиги принципини аниқлаштириди: хусусий ҳолдан алоҳида ҳолдаги тенгламага (олти тенглама) ўтди, лекин умумий (қонуний)

<sup>1</sup> [www.referat.uz](http://www.referat.uz)



тургача етмади, ҳозирги пайтда ва амалларда ҳамма эътироф этган умумилмий метод бўлган математик масалаларни ҳал этишнинг алгоритмик методини ишлаб чиқди.

Форобий фанларга билимларни ўзлаштириш ва тўплашнинг зарур воситаси сифатида мухим аҳамият берди, уларни эгаллашни эса саводхонлик кўрсаткичи деб ҳисоблади. Унинг айтишича, хиссиёт аъзолари, юрак ва мия инсон туғилгандан ато этилган, бошқалар билим, турли хил ақлий ва ахлоқий хусусиятлар: характер белгилари, таълим олиш ва бошқалар инсон ҳаётий танқидий фикрлаши жараёнида эгалланади. У инсон характерининг турли хусусиятлари ва ахлоқий фазилатлари: дадиллик, мардлик, дўстлик, сахиyllик, зукколик, ҳаққонийлик ва ҳоказоларни белгилар экан, улар шахсни тарбиялаш ва ўз-ўзини тарбиялаш натижаси деб ҳисоблайди. Мутафаккирнинг фикрича, ақлий ва хулқий сифатлар тарбияси икки хил усувлар (методлар) билан: шахсни камол топтиришга йўналтирилган ихтиёрий ҳаракатлар ва куч билан мажбур қилиш жараёнида амалга оширилиши мумкин<sup>2</sup>.

Форобий асарларида дидактика масалалари, таълимнинг назарий муаммолари, билимларни эгаллашнинг фалсафий, физиологик ва психологик асослари кенг қўриб чиқилган. Унинг учун обьект ва субъектнинг ўзаро алоқаси, киши шахсининг мураккаб физиологик-психик жараёнлари ва бой маънавий олами мухимдир. Жумладан, олимнинг фикрича инсон маънавиятининг олий поғонаси рух, ақл ва тафаккур бўлиб, улар инсон танқидий фикрлашига хос бўлган ўзига хос шаклларда намоён бўлади. Форобий танқидий фикрлашини ташкил этиш масалалари бўйича бир қатор мухим тавсияларни ишлаб чиқди. Яхши назоратчи бўлиш учун, дейди у, уч нарсага риоя қилиш зарур:

1. Маълум бир фан асосига ётган барча принципларни яхши билиши керак;
2. Ушбу аниқ фанга доир мана шу принцип ва маълумотлардан зарур хулосалар чиқара олиш керак, яъни мухокама этиш қоидаларини эгаллаш лозим;
3. Ҳақиқатни ёлғондан фарқлаш ва хатоларини тўғрилаш учун хато назарияларни инкор этишни ва бошқа муаллифлар мулоҳазаларини таҳлил этиш зарур.

Берунийнинг илмий меросида у ишлаб чиққан табиатни ўрганиш ва унинг илмий методи катта ўрин эгаллайди. Беруний илмий методининг характерли хусусиятлари ва асоси олимнинг обьективлиги ва оқилона ёндашуви, кузатиш, тажрибалар, оғзаки ва ёзма ёдгорликларни ўрганиш далилларга танқидий ёндашув, уларни ақлий хулосалар шаклида мантиқий умумлаштириш, ҳақиқатни аниқлаш мақсадида қиёслашдан иборатдир. Абу Райхон Беруний ўз асарларида таъкидлашича, таълим изчил, кўргазмали, мақсадга қаратилган бўлиши лозим ва муайян тизим бўйича олиб борилиши керак. Унинг фикрича, кўргазмалик таълимни анча қулай, аниқ ва қизиқарли қиласи. Кузатувчанлик ва фикрлашни ривожлантиради<sup>3</sup>.

Ибн Сино (Х-ХІ асрлар) танқидий фикрлашининг турли хилларининг кенг манзарасини очиб берди. Уларни руҳнинг хилма-хил кучлари деб тасвирлади ва бу кучларнинг

<sup>2</sup> [www.referat.uz](http://www.referat.uz)

<sup>3</sup> [www.referat.uz](http://www.referat.uz)



анчагина қисмини илохий ибтидо ҳукми таъсиридан ажратиб олди. У қадимги (антик) анъанага мувофиқ рухни уч кўриниш: наботот, ҳайвонот ва ақлга ажратади. Биринчиси икки куч - ҳаракатлантирувчи ва қабул қилувчига бўлинади. Қабул қилувчи ўз навбатида ташқари ва ичкаридан қабул қилувчига ажралади. Биринчисига беш ёки саккиз ҳиссият тегишилди<sup>4</sup>. Ибн Синонинг илмий мероси улкан ва инсоният билимларининг барча соҳаларини эгаллади. Унинг дидактик принциплари моҳияти қўйидагича: таълим осондан мураккабга қараб бориши керак. У болаларнинг майл ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим, машқлар боланинг имкон даражасида бўлиши керак ва таълимни жисмоний машқлар билан уйғунликда олиб бориш лозим. Ибн Синонинг муҳим педагогик принципи унинг инсон ақли ҳаёти оқимига таъсир этади деган тасаввурнидир, чунки инсон ҳайвондан айнан ақли мавжудлиги, демакки, ўзи қилаётган хатти-ҳаракатни англаш имкониятига эгалиги билан фарқланади. Болада атроф-муҳит етакчи рол ўйнаши ҳақидаги қарашлари Ибн Сино педагогик фикриётида муҳим аҳамиятга эгадир.

Сўнгги йилларда танқидий фикрлашни қўллаш ва бунга ўргатишга фанлараро дастур сифатида катта эътибор берилмоқда. Чунки у ўқитишга ёндашув ва услубларнинг универсал мажмуми сифатида очиқ ва демократик жамият тамойилларига тўлароқ мос келади<sup>5</sup>. Бундай ёндашув Ж.Стилл, К. Мередис ва Ч. Темплнинг «Чтение и письмо для развития критического мышления» номли қўлланмасида баён этилган. «Ўқиши ва ёзиш танқидий фикрлашни ривожлантириш учун» (ЎЁТФ) ўзининг расмий мазмуни бўйича ўта камтарона ифодаланган ва бу лойиханинг ўқитиш услубларини янада ривожлантиришдек улкан аҳамиятига мос келмайди. Бу шундан далолат беради, ЎЁТФ ўқитишнинг универсал асосларининг тизими сифатида, унда ўқитишнинг интерактив услубларнинг кенг миқёсида қўлланилиши танқидий фикрлашни самарали ривожланишига имкон беради. Яқин ўтмишда барча «қўйида» пайдо бўлган саволларга фақат «юқоридан» ягона, тўғри жавоб бериш авж олган собиқ Иттифоқ миқёсида танқидий фикрлашга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга бўлган. Танқидий фикрлашга ўргатиш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида баён этилган юқори умумий ва касбий маданиятли, ижодий ва ижтимоий фаол, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда ўз ўрнини топа олиш малакасига эга бўлган, истиқболий вазифаларни қўйиш ва ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган кадрларнинг янги авлодини шакллантириш вазифасини ҳал қилишга ҳам тўла-тўқис мос келади<sup>6</sup>.

Хўш, танқидий фикрлашнинг ўзи нима? «Танқидий фикрлаш» атамасининг бир қанча таърифлари мавжуд. Танқидий фикрлашнинг муҳимлигини американлик буюк педагог ва файласуф Д.Дъюи қўйидагича асослайди: «Инсоннинг шароитлар ва тажриба натижаларига нисбатан танқидий фикрлашигина шахс истаги ва қизиқишлигини тўғри йўлга sola олади»

Танқидий фикрлаш - ғоя ва имкониятларни ижодкорлик билан уйғунлашуви, концепция ва ахборотларни қайта фикрлаш ва қайта куришдек мураккаб жараёндир. Бу фаол ва

<sup>4</sup> [www.referat.uz](http://www.referat.uz)

<sup>5</sup> Ж.Стилл, К. Мередис ва Ч. Темпл «Чтение и письмо для развития критического мышления» Учебник.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Конуни. Т.”Шарқ.2001



SCIENCE BOX

# SYNERGY: JOURNAL OF ETHICS AND GOVERNANCE

Volume: 01 Issue: 06 / 2021

ISSN: 2181-2616

интерактив билишнинг бир неча даражаларида бир вақтда рўй берадиган жараён ҳам бўлиб ҳисобланади. Танқидий фикр эгасига хийла-найранглар камроқ таъсир қиласди, ўзининг шахсий қарашлар тизими бўлгани учун улар турли хавф-хатардан ҳоли бўладилар.

Танқидий фикрлаш -ўқиш предмети эмас, балки ўқитиш натижасидир. Бу ғояларни ва уларнинг аҳамиятини ҳам кўпфикарлилик нуқтаи - назаридан кўриб чиқиш ҳамда уларни бошқа ғоялар билан таққослашдир. Бу фикрлашнинг энг юқори даражаси ақлий фаолият бўлиб, унда таҳлил, таққослаш, изоҳлаш, кўллаш, тортишув, янгилик, муаммоларни ҳал қилиш ёки фикрлаш жараёнини баҳолашга алоҳида эътибор берилади.

И.Г.Агаповнинг айтишича, танқидий фикрлаш -ўқувчиларда матн билан ишлаш малакасини ривожлантириш, оғзаки ва ёзма нутқнинг барча кўринишларини эгаллаш, муаяйн матн бўйича тенгдошлари билан фикр алмашув (мулоқот малакалари, гуруҳ билан ишлаш малакалари)га йўналтирилган педагогик технологиядир<sup>7</sup>.

Танқидий фикрлаш ўқув хонасидаги мухитни ўзгартириб, унга жўшқинлик тусини бериш, машғулотларни эса ўқитувчи ва ўқувчи учун қувончга айлантиришдир. Бундай технология, кўпфикарлилик ва матнни шарҳлаш нуқтаи назарининг кўплиги ва билиш жараёнининг рефлексивлиги, маданиятни замонавий тушуниш каби ғояларга асосланади. Шахс кадрияти ғояси ва унинг ривожланиши, ўз -ўзини англаши ва рўёбга чиқариши учун қулай шароит яратишнинг сўзсиз устуворлиги энг муҳим бўлиб ҳисобланади.

Қуйидаги фикрларни танқидий фикрлашни тасдиғи сифатида келтириш мумкин<sup>8</sup>:

1.Янги вазиятлар учун қўлланилаётган самарали узлуксиз таълим биз учун ахборот ва ғояларнинг тушунарли бўлиши муаммосини ташкил қиласди. Ўқувчилар ахборот ва ғояларни фаоллик билан ўзлаштиргандагина, энг юқори натижага эришиши мумкин (Андерсон ва бошқалар, 1985).

2.Фикрлаш фаолиятини ривожлантиришнинг турли стратегия (шакл)лари қўлланилгандагина, ўқиш жараёни муваффақиятлироқ бўлади. Бундай стратегиялар ўқув жараёнининг онглироқ бўлишини таъминлайди (Полинскар ва Браун, 1989).

3. Ўқувчилар ўз билимларини муайян масалаларни ечишда татбиқ эта олсаларгина, уларда билим ва ижодий фикрлаш ривожланади (Ресник, 1987).

4.Ўқувчиларнинг олдин эгаллаган билимларига ва тажрибаларига асосланган ўқиш мустаҳкам бўлади. Буларнинг ҳаммаси ўқувчига янги ахборотни билгандари билан боғлаш имкониятини беради. (Рос, 1990).

<sup>7</sup> Мурадова Н.К., Мажидов Р.Р., Хайтматов У.Т., Махмудова Б.А. Касбий таълим услубиёти: Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2006.

<sup>8</sup> Мурадова Н.К., Мажидов Р.Р., Хайтматов У.Т., Махмудова Б.А. Касбий таълим услубиёти: Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2006.

5. Ўқитувчилар ғоялар ва тажрибаларнинг турли-туманлигини тўғри тушунсаларгина, танқидий фикрлаш ва ўқиши яхши натижа беради. Агар «ягона битта жавоб» руҳи устуворлик қилса, унда танқидий фикрлашга имкон бўлмайди (Бенкс, 1988).

**Мартин Бубер таълим мининг фалсафаси.** ЎЁТФ лойиҳасида танқидий фикрлаш асосларини баён этишдан олдин моделлаштиришган машғулот ўtkазиш назарда тутилган. Бундай кетма-кетликни сақлашдан мақсад-тингловчилар янгича ёндашувнинг аввало, ўқувчи сифатида «ўзидан ўтказиб кўришлари»ни, сўнgra унинг назарий асосларини ўзлаштиришга киритишлирини таёминлашдан иборат<sup>9</sup>.

**Жадаллаштирилган маъruzанинг кириш қисми.** Кўргазмали (моделлаштирилган) машғулотнинг мақсади-ўқитишнинг янгича ёндашув ва услублари доирасида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини намойиш қилиш, унинг иштирокчиларига фаол билим моделини таклиф қилишдан иборат. Бунда ўқитувчи одатдаги монолог шаклида маъруза ўқиши фаолиятини ўзгартириб, тингловчиларни кўпроқ фикр юритишига ундаиди. Бунинг натижасида сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган «жадаллаштирилган маъруза» (Жонсон, Жонсон ва Смит, 1991) яратилади.

**Тайёрланиш фаолияти №1.** Ўқитувчи тахминан қуйидагиларни сўзлаб, ўтирганларга маъруза В.И.Слуцкийнинг «Педагогика» (№8, 2000) журналида қисқартириб босилган «Мартин Бубер таълим мининг фалсафаси» мақоласига бағишинланганинги айтади. Унда М.Бубер (1878-1965)нинг 1929 йил Гейделбергдаги конференцияда баён этган бола тарбиясига оид қарашлари келтирилган. Ҳозир педагогикада турли-туман концепция, ёндашув, оқимлар мавжуд бўлсада, баъзан узоқ вақт олдин айтилган, лекин ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган айрим ғояларни қайта англаш ҳам фойдадан ҳоли эмас. Энг аввало, мен сизларга жуфтларга бўлинишни ва бундан олдинги машғулотда айтилган, бу мавзу учун яхшигина вазифадош бўлган маълумотларни эслашни таклиф этаман. Ўқитувчининг ўқувчи тарбиясига оид фаолиятининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қисқа гаплар рўйхатини тузинг. Ундан сизнинг фикрингиз учун энг муҳим бўлган учтасини танлаб, муҳимлик даражаси бўйича жойлаштиринг. Бунга беш дақиқа вақт ажратилади». Беш дақиқадан сўнг ўқитувчи алоҳида жуфтликларни, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашишга гапиради. Ўтирганлар томонидан танланган бир неча ғоялар маркер билан коғоз вараги ёзиб, ёзув тахтасига осиб қўйилади. Шундан сўнг маъruzанинг биринчи қисми бошланади (15-20 дақиқа). Бубер учун таълим-тарбия деярли технология бўлиб ҳисобланмайди. Ўқитувчи ўта моҳир услубчи бўлиши, ўз фанини ипидан-игнасишга билиши, ўз ихтиёрида барча зарур техник восита ва дарсликларга эга бўлиши мумкин, лекин унда тарбиялаш сири намоён бўлмаслиги мумкин. Энг юқори даражадаги ҳодиса бўлган бу сирни ҳеч қандай технологияда режалаштириб бўлмайди.

Бубер ўз маъruzасини «тарбия» тушунчасини танқид қилишдан бошлаб, Гейделбергда унинг моҳиятини «бона руҳида ижодий кучларни ривожлантириш», деб очиб беради. Бу

<sup>9</sup> Мурадова Н.К., Мажидов Р.Р., Хайтматов У.Т., Махмудова Б.А. Касбий таёlim услубиёти: Ўкув кўлланма. - Т.: ТДИУ, 2006.



ерда у индивидуалликка, шахс ривожланиши ўрнига унинг функционал ривожланишига кўпроқ эътибор берилиб, хатога йўл қўйилаётганлигини кўради. Функционал ижодий қобилият, масалан, расм солиш ёки шеър ёзиш, Бубернинг фикрига кўра, ўз-ўзидан инсоний муносабатларга олиб келмайди: ижод қилувчи ҳамиша танҳо ва шунинг учун хам баҳтсизdir. «Қачонки уни бирор киши ўз қўлига, ижодкор қўлига эмас, балки яратувчи қўлига худди ўшандай, оламда ўзини йўқотган қўлга олар экан, қачонки ўзини унга йўлдош (санъат соҳасида), дўст, ёқимли киши деб билар экан, шундагина у ўзининг ҳамкорлик мўъжизаларини очиб беради ва бу билан унга ўз қалбидан жой беради. Шунинг учун хам ижодкорликни ўта ривожлантиришга йўналтирилган таълим инсонга янги, танҳолик изтиробларини бошидан кечириш хавфини солади». Бундан кўриниб турибдики, Бубер таълим ва тарбия мақсади боланинг функционал ривожланишидан, унинг кўникма ва малакаларини, ақл-заковати, хотираси ва ҳоказоларни такомиллаштиришдан иборат бўлишини инкор этади. Бундай бола худбин бўлиб қолиши, инсоний «мен»и эса унинг ўз-ўзини англаш ғорида бир умр қолиб кетиш хавфига маҳкум бўлади.

Бубернинг таъкидлашича, бу ерда энг катта хато-ижодкорлик ўта индивидуал жараён сифатида тушунилиб, бунинг натижасида ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро муносабати, уларнинг диалоги унутилади. Аслида фақат мана шу мулоқот «педагогик жараённинг энг муқаддас белгисидир. Айнан унинг ичida тарбия сирлари, шахснинг шаклланиши ётади». Бу ерда гап ўқитувчи ва ўқувчининг факат ташқи мулоқоти ёки бирор мавзу бўйича ўзаро луқма ташлаши тўғрисида бораётгани йўқ, албатта. У ҳолда «сир сақлаш» сўзи ўз ўрнида ишлатилмаган бўлиб ҳисобланар эди. Йўқ, Бубер ўқитувчи ва ўқувчи муносабатини энг муҳим инсоний муносабатлар кўриниши деб тушунарди.

Бугунги кунда ҳар бир шахс дунёни англаши, хаёт ва жамият қонуниятларини ҳар томонлама идрок этиши, ер юзидағи турли халқлар ва миллатлар дунёқарashi, ғояси, маслак-муддаоларини билиш учун ҳам танқидий фикр юрита олиши давр талаби бўлмоқда. Нега деганда, бугунги замонда ҳар қандай рақиб ва муҳолиф билан баҳсга киришиши учун ҳар бир инсон танқидий фикрлай олиши зарур<sup>10</sup>.

Танқидий фикрларнинг аҳамияти жамоа ҳамкорлиги асосида, ахборотларни қабул қилиш, уларга ўз муносабатини билдириш, хатолик ва номувофиқларини излаш, ўз мулоҳазаларида хатоликка йўл қўймасликка интилиш, ўз тушумовчиликларини англаш, фарқлаш, аниқ хуласалар чиқаришга йўллашдан иборат. Таълимнинг бугунги вазифаси эса, ўқувчиларни кун сайин ошиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимиidan танқидий тафаккур орқали оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборат.

Танқидий тафаккур - бу нарса, воқеа ва ҳодисаларнинг алоҳида белгилаб олинган тарзда ўрганилишидир. Бу жараён ўрганилиши тақозо қилинаётган нарса ёки ҳодисани аниқлашдан бошланади. Шундан кейин далилларни эркин танлаш ҳамда фикрлашнинг

<sup>10</sup> Мурадова Н.К., Мажидов Р.Р., Хайитматов У.Т., Махмудова Б.А. Касбий таълим услубиёти: Ўқув кўлланма. - Т.: ТДИУ, 2006.



турли варианatlарини таҳлил қилишга киришилади. Жараён якунида эса, ҳаққоний фикрлашга асос бўладиган далилларга эътибор қилинади. Шундан кейин ўқувчилар аниқланган далиллар ва чиқарилган ҳукмларни ўзаро қиёслайдилар. Шу тариқа шахсий ҳукм чиқариш учун асос бўладиган фикрлар йифиндиси вужудга келади. Бунда ўқитувчи ўтилаётган машғулотнинг мақсадини аниқ қўйиши лозим. У талабага нимани ўргатишни хоҳлади? Мазкур саволга ўқитувчининг жавоби тайёр бўлиши керак. Таълим-тарбия жараёнида талаба шахсини танқидий фикрлашга ўргатишнинг дидактик имкониятлари кенг бўлиб, талабалар қандай танқидий фикрлашлари ҳақида ўқитувчи аниқ тасаввурга эга бўлиши зарур. Ўқитувчининг бу тасаввuri талабаларни танқидий фикрлашга йўналтирилган машғулотларнинг самарали ташкил этилишини таъминлайди. Танқидий фикрлаш учун танлаб олинган обектнинг тўғри белгиланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда ўқитувчиларнинг талабалар билан танқидий фикрлаш устида ишлаш режалари тузилиши зарур. Мазкур режаларни тузиш учун ўқитувчилар зарур ахборотлар тўплашлари ҳамда ушбу маълумотлар билан яхши қуролланган бўлишлари талаб этилади.

Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантиришда технологик ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Танқидий фикрлашни шакллантиришга хизмат қиласиган таълим технологияларининг ўзига хос жиҳатлари қуидагилардан иборат:

- 1.Ўқув жараёни илмий жиҳатдан асосланган қонуниятларга таянган ҳолда ташкил этилади.
  - 2.Талаба билан тақдим этилган ахборотлар орасида алоқадорлик вужудга келади.
  - 3.Мазкур технологиянинг йўналишлари, қисмлари талабани фикрлаш ва рефлексияга ундайди.
  - 4.Ҳар бир ўқув вазияти, ўқув дақиқасида ўқитувчи мулоқотга ундовчи субъект сифатида намоён бўлади.
  - 5.Талабаларнинг танқидий фикрлаш кўнилмаларини аниқлаш учун, асосан, матн устида ишлаш тавсия қилинади.
  - 6.Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш учун мунозаралар ва лойиҳалаш машғулотлари муҳим аҳамиятга эга.
  - 7.Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантиришга йўналтирилган технологиялар ялпи таълим жараёнини ўзаро ҳамкорлик, биргалиқда режалаштириш, фикрлаш асосида амалга оширилишини таъминлайди.
- У муайян мақсадга йўналтирилган очиқ стратегиялар тизимиdir. Бу технологиялар ёрдамида талабаларда мустақил танқидий фикр шакллантирилади. Талабаларида танқидий фикрлашни шакллантириш учун дарсларда сюжетли матнлар, ҳикоялар ҳамда эртаклар ёзиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин. Айниқса, сюжетли матнлар ёздириш ҳақидаги топшириқлар муҳим аҳамиятга эга. Бундай топшириқлар талабалар учун қизиқарли бўлиши билан бир қаторда, уларда танқидий фикрлашни шакллантириш нуқтаи назаридан жуда фойдали ҳамдир. Шу билан бир қаторда, бу типдаги топшириқлар аксарият



талабаларда бадиий асарларни ўқиши, уларни таҳлил қилишга қизиқиши уйғотади. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш учун ўзаро алоқадор боғланишли мавзулар танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. “Талаба танқидий фикрлаш” сүзини эшитгандын унда қандай таассуротлар ҳосил бўлишини ўқитувчи саволлар ёрдамида аниқлаб олиши лозим. Талабаларга ўқитувчи шундай саволлар билан мурожаат қилиши мумкин: “Ҳеч нарсага ишонмайдиган одам қандай одам?”, “Муайян ахборотлар оқимида фақат камчиликларни кўра оладиган одамлар қандай кишилар?” ва шу каби. Вазиятни ёки матнларни таҳлил қила оладиган талаба турли манбаларга мурожаат қиласи. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантиришда матнни оҳангга риў қилган ҳолда ўқиши машғулотлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда Талабалар матндан ижобий ҳамда салбий қаҳрамонларни ажратиб, уларни тавсифлашга ўрганадилар. Ҳар бир қаҳрамонга тавсиф берилаётган ўринларни алоҳида оҳанг билан ўқийдилар, уларнинг ўқиши оҳангидан асар қаҳрамонларига нисбатан муносабатлари ойдинлашса, тўхтамли ўқишида матндан хар бир абзац талабалар томонидан таҳлил қилинади. Худди шу вазиятда талабаларда танқидий фикрлаш элементлари таркиб топа бошлайди. Талабалардаги танқидий фикрлаш кўнікмалари муайян асар ёки матнда қандай даражадаги қаҳрамонлар борлигини англаб этишига кўмаклашади. Бу эса, талабаларни турли вазиятлар ва қаҳрамонларга обектив баҳо беришга ундайди. талабалар танқидий фикрлаш туфайли салбий нуқтаи назарлар ижобий ҳолатларни келтириб чиқармаслигини англаб етадилар. Ҳар бир машғулот якунида эришилган натижалар сарҳисоб қилиниши талаб этилади. Сарҳисоб қилиш жараёнида:

- далилларни аниқ ҳисобга олиш;
- олинган натижаларга таянган ҳолда янги мавзу ёки ўқув вазиятини режалаштириш;
- талабаларнинг ўзлаштиришлари учун қулай бўлган ахборот ва далилларни тизимлаштириш;
- танқидий фикрлашга мос келмайдиган мезонлар ва хуросалардан воз кечиш;
- ўқитувчи ўзининг тажрибаси, нуқтаи назари ва қарashi доирасида талабаларнинг танқидий фикрлаш кўнікмаларини такомиллаштиришга йўналтирилган янги ўқув вазиятларини ташкил этиши назарда тутилади.

Танқидий фикрлаш баҳсли-тортишувларга сабаб бўладиган муаммоларни ечишга қаратилганлиги сабабли, талабаларда тинглаш, ўзгалар фикрини бўлмаслик, унга танқидий кўз билан қараш, таққослаш, ўзаро бир-бири билан фикр алмасиш, тегишли ҳукм чиқаришга эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Хуроса ўрнида шуни айтиш мумкини, талабаларнинг танқидий фикрлашини шакллантириш, ахборотларни таҳлил қила олиш ҳудудий, маҳаллий ва халқаро даражада турли муаммоларни ечиш кўнікмаларини шакллантириш лозим<sup>11</sup>.

---

<sup>11</sup> Мурадова Н.К., Мажидов Р.Р., Хайитматов У.Т., Махмудова Б.А. Касбий таълим услубиёти: Ўқув кўлланма. - Т.: ТДИУ, 2006.

- 
1. Akhmedova, F. H., & Boltaeva, S. B. (2021). Wide dissemination of information technologies in the sphere of domestic and international tourism. *Economics*, (1), 32-34.
  2. Bebulovna, B. S., & Mukhtorovna, N. D. (2020). The cost-effectiveness of the use of water resources in agriculture. *Вестник науки и образования*, (23-2 (101)).
  3. Рахматуллаева, Ф. М., & Болтаева, Ш. Б. (2014). Совершенствование системы управления персоналом на промышленных предприятиях. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (5).
  4. Nizamov, A. B., & Gafurova, S. K. (2020). Assessment of factors influencing the quality of education in higher educational institutions. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(6), 1784-1796.
  5. Junaydulloyevich, A. A., Furqatovna, O. N., & Baxtiyorovich, A. B. (2021, March). Training highly qualified staff in development of uzbekistan. In *E-Conference Globe* (pp. 288-292).
  6. Tairova, M., Xurramov, O., & Odinaeva, N. (2021). An important role of internet marketing in digital tourism. *Центр научных публикаций (buxdu. uz)*, 5(5).
  7. Odinayeva, N. F. (2021). Module-credit in the development of education system. *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions*, 2(06), 190-196.
  8. Odinayeva, N. (2020). Motivation and Communication in Distance Learning of Foreign Languages. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 6(2).
  9. Bakhodirovna, U. A., & Ilkhomovna, Z. M. (2021). Tourist potential of the Bukhara region. *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions*, 2(04), 243-246.
  10. Umarovna, T. M. (2020). Impact of covid-19 virus on tourism in uzbekistan. *Вестник науки и образования*, (23-2 (101)).
  11. Turdiyeva, M. U. (2021, October). Importance of Innovations in the Development of Bukhara Industry. In "ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM (pp. 264-267).
  12. Turdiyeva, M. (2020). A three-step strategy to develop the industrial economy in China through entrepreneurship and innovation. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 2(2).
  13. Narzullayeva, G. S., & Sh, O. S. (2021). Theoretical aspects of assessment of marketing communications. *International Engineering Journal For Research & Development*, 6(ICDSIIL), 3-3.
  14. Agzamov, A. T., Rakhmatullaeva, F. M., & Giyazova, N. B. (2021, June). Marketing strategy for the competitiveness of modern enterprises. In *E-Conference Globe* (pp. 1-3).



SCIENCE BOX

# SYNERGY: JOURNAL OF ETHICS AND GOVERNANCE

Volume: 01 Issue: 06 / 2021

ISSN: 2181-2616

- 
15. Giyazova, N. B., & Davlatov, S. S. (2021, June). The relevance of a small business marketing strategy. In *E-Conference Globe* (pp. 4-6).
  16. Muhammedrisaevna, T. M. S., Bayazovna, G. N., & Kakhramonovna, D. A. (2020). Goal and objectives of integrated marketing communications. *Economics*, (2 (45)).
  17. Tairova, M. M., & Normurodov, J. (2016). Kaizen system of producing agricultural products. In *Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования* (pp. 3876-3877).
  18. Rakhmatullayeva, F. M., Boboyeva, G. G., & Kudratov, A. D. (2021). Essense of Structural Shifts in Regional Economic Systems. *International Journal of Development and Public Policy*, 1(5), 128-130.
  19. Gulchehra, N. (2020). Role Of Marketing Strategies In Increasing Company Competitiveness: Role Of Marketing Strategies In Increasing Company Competitiveness. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 1(1).
  20. Junaydulloevich, A. A., Mukhammedrizaevna, T. M., & Bakhritdinovna, A. N. (2020). Environmentally friendly and sustainable supply chain management in the platform economy. *Economics*, (3 (46)).
  21. Narzullayeva, G. S., & Sh, O. S. (2021). Theoretical aspects of assessment of marketing communications. *International Engineering Journal For Research & Development*, 6(ICDSIIL), 3-3.
  22. Abdullayevna, Q. Z., Anvarovich, Q. A., & Muxtorovna, N. D. Theoretical foundations of enhancing the competitiveness of the national economy. *GWALIOR MANAGEMENT ACADEMY*, 87, 54.
  23. Hakimovna, A. F., & Bebudovna, B. S. (2021). Wide dissemination of information technologies in the sphere of domestic and international tourism. *Economics*, (1 (48)), 32-34.
  24. Junaydullaevich, A. A., & Jamshedovna, Q. H. (2021). Organizational and economic mechanisms for the development of competitive agricultural production on the basis of cooperative relations. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 6, 142-147.
  25. Niyoziyeva, I. N., & Xalimova, D. R. (2021). Development of the competitiveness of industrial enterprises during a pandemic. *International Engineering Journal For Research & Development*, 6(ICDSIIL), 3-3.
  26. Niyoziyova, N. I. (2021). The role of investment and modernization in the development of the uzbek economy. *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions*, 2(06), 140-145..